

Кўнгли юмшаб, сажда қилиб юборишидан қўрқаман

05:00 / 11.03.2017 4458

Бир киши бировнинг ҳовлисини ижарага олди. Кечқурун ўша уйда ётганда шифтлари қисир-қисир қилди. Эртаси куни уй эгасига: “Мана бу уйнинг шифтларини тузатиб беринг. Унинг ёғочлари қисирлаяпти” деб шикоят қилди. Уй эгаси бепарволарча: “Хавотирга ўрин йўқ. Уйнинг шифти қисир-қисир қилиб Аллоҳга тасбеҳ айтади” деди. Буни эшитган ҳалиги одам: “Кўнгли юмшаб, сажда қилиб юборишидан қўрқаман” деди.

Ҳоний Ҳожининг “Солиҳлар ҳаётидан минг бир қисса”

китобидан Нозимжон Ҳошимжон таржимаси